

## ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ.

**Карабекова Мафтуна Алимовна**

Фарғона педагогика коллежи махсус фан ўқитувчиси

E-mail: [feredu@umail.uz](mailto:feredu@umail.uz)

**Аннотация:** Профессионал таълим тизимида ёшларни юксак маънавиятли, мустаҳкам эътиқодли, юқори малакали мутахассис даражасига етказишнинг долзарб масала ёшларни шу жумладан, қизларни кўллаб-қувватлашда давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари, миллий қадриятлар асосида қизларни оилага тайёрлашнинг педагогик-психологик асослари ва оилада қизларни ҳаёт ва турмушга тайёрлашнинг ўзига хос йўллари, ўқувчиларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларда она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ва келажакка ишончларини янада мустаҳкамлаш, бугунги кунга шукроналик, тинчлик ва осойишталикни қадрига етиш, уни асраб-авайлашда фуқаролик масъулиятини ошириш, огоҳлик ва хушёрликка чақириш ҳамда диний экстремистик оқимлар, миссионерлик ва бошқа мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** Маънавият, ёшлар, касб-хунар, маърифат, бизнес, тадбиркорлик

## WE ARE RESPONSIBLE FOR EDUCATION OF YOUNG GENERATION

**Abstract:** In the professional education system, the urgent issue of bringing young people to the level of high morale, strong faith, and highly qualified specialists is the legal basis of the state policy in supporting young people, including girls, the pedagogical and psychological basis of preparing girls for family based on national values, and the preparation of girls for life and marriage in the family itself. special ways, forming an active civic position of students, further strengthening their love for

the motherland, loyalty to the country and faith in the future, appreciation for today, peace and tranquility, increasing civic responsibility in preserving it, calling for awareness and vigilance, and religious extremist currents, missionary and other ideological threats were tried to be prevented

**Key words:** Spirituality, youth, profession, enlightenment, business, entrepreneurship

*Ёшлар билан ишлаш учун, аввало, катта билим ва тажриба, сабр-тоқат, талабчанлик билан бирга меҳрибонлик ҳам зарур.*

*Шавкат Мирзиёев*

Ўқув даргоҳи! Бағри билим ва маърифат зиёси-ю, касб-ҳунар саодатига лиммо-лим маскан. Бу муқаддас даргоҳда халқ болаларининг касб-ҳунар ва меҳнатга онгли муносабати шаклланади, тафаккурлаш қобилияти ва маънавий дунёси юксалиб боради. Икки-уч йил ўтгач, бу касб-ҳунар таълими муассасаларидаги ёшлар нафақат таълим-тарбия олган, балки замонавий касб-ҳунарларни эгаллаган, хорижий тилларда эркин сўзлашувчи 19-20 ёшдаги навқирон йигит вақизга айланади, илм-фан, касб-ҳунар сирларини забт этади.

Бугун юрт ёшларининг ҳар жабҳада фаоллигини ошириш, уларнинг билим даражасини юксалтириш, касб-ҳунарга йўналтириш, малакали мутахассис бўлиб етишишларига кўмаклашиш, мамлакатимизда юз бераётган барча ўзгариш ва воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини кучайтириш долзарб масалага айланган. Ўтган йиллар давомида касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, айрим истиқболсиз касб-ҳунарлар тугатилиб, уларнинг ўрнига туризм хизмати, ахборот-ресурс марказлари мутахассиси каби янги ва истиқболли мутахассисликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилди. Ўқитувчилар дарс машғулотида илғор педагогик технология ва инновацион усуллардан унумли фойдаланишга эришди. Лаборатория хоналари ташкил этилиб, замонавий, малакали педагог кадрлар билан таъминланди. Ўсиб келаётган ёшларни

умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, Ватан ва миллат олдидаги бурчларини теран англашга ўргатиш, эътиқодини мустаҳкамлаш, уларнинг онгу тафаккурини маънавий дурдоналари билан бойитиш асосий мақсадга айланди.

Ёшларни касб-ҳунарга ўргатишда ишлаб чиқариш корхоналари ҳамкорлигини юксак даражага кўтариш, тажрибали мутахассисларни кўпроқ жалб қилиш, тизимли равишда уларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш шу билан бирга ўқувчиларни етарли даражада дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш, мутахассисликларга мосжиҳозлар билан таъминланишига эришиш, ёшларни иш билан таъминлашга қаратилаётган эътиборни кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга барча шарт-шароитлар яратиш, банклардан кредит олиш бўйича имтиёзлардан фойдаланиш асосий масалаларидан бири бўлмоғи лозимдир. Битирув имтиҳонлари олдидан эса вилоятимиздаги тижорат банкларидаги малакали банк ходимлари билан учрашувлар ўтказиб бориш, ўқувчилар билан мулоқотлар ташкил этиш, шунингдек, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган касб-ҳунар битирувчилари учун “Энг ёш тадбиркор” ҳамда “Устоз- шогирд ”анъаналари бўйича тадбиркорликни шакллантириш” мавзуларида кўрик-танловлар ўтказиш, бундан ташқари, ёш тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга доир семинар–тренинглар ташкил этилиб, ўқувчиларга бизнесни бошқаришни чуқур ўргатиш, айниқса, “Энг яхши бизнес лойиҳа” танловлари ёшларни тадбиркорликка янада кенгроқ жалб этиш, ёш битирувчилар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Жойларда касб-ҳунар таълими, жамоат ташкилотлари, халқ таълими ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамкорлигида “Мутахассислик – сенинг келажагинг” мавзусида кўргазмали ярмаркалар ташкил этилиб, битирувчиларнинг касб-ҳунар танлашларига замин яратади, ёшларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этишга ундайди. Касб-ҳунар таълимидаги ислохотлар коллежларда таълим-тарбия ва амалиёт сифатини мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Тизимни тубдан ислоҳ қилиш эса,

таълим ва тарбия фидойиси ўқитувчилар зиммасига янада улкан масъулият ва долзарб вазифаларни юкламоқда. Жамиятимиз халқ хўжалигига билимдон, ўртамиёна ёки уқувсиз кадрлар сафининг кириб келиши ўқитувчи меҳнатининг самараси ва унга берилган баҳодир. Зотан, рад қилиб бўлмайдиган бир ҳақиқат борки, мамлакат ривожини, унинг фаровон ва порлоқ эртасини, барча саъй-ҳаракатлар охир-оқибат ўқитувчи меҳнати орқали ўз натижасини намойиш этади. Ҳунарни мукаммал эгаллаган мутахассис ўз касбини моҳир устаси, кўли енгил шифокор, моҳир муҳандис, зукко таржимон ёнги, маҳоратли ўқитувчи бўлиб етишади ҳамда замоннинг фаол иштирокчиси, мустақиллик бунёдкорига айланиб бораверади. Аксинча, боқибегам, лоқайд ота-онаси ёкимасъулиятсиз ўқитувчи мураббийи назоратидан четда қолган айрим болалар эса жамиятда иллатлар урчишига ёки ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабабчи бўлаверади. Улардан ҳеч қачон намунали мутахассис чиқмайди. Афсуски, замоннинг нофаол кишиси яна бир нечтага ошаверади. Агар завод ёки фабрикалардан сифатсиз маҳсулот чиқса, ундан фойдаланиш имконияти бўлмайди ё ташлаб юборилади ёки қайта ишланади, зотан тарбиясиз, касб-ҳунарсиз ўқувчи ҳам шу сифатсиз маҳсулотга ўхшайди, бироқ уни ташлаб юбориб бўлмайди, аксинча устознинг минг машаққат билан қайта тарбиялаш мумкин холос. Бу эса кишидан нафақат сабр-қаноат балки, ойу йиллардаги меҳнатни ҳам талаб этади.

Бугунги кун ўқитувчиси билимдон, маърифатли, юксак маънавиятли, фан асосларини чуқур ўрганган, дунёқараши кенг, сиёсий онги етук инсон бўлиши керак. У ўз мутахассислигининг моҳир, кучли билимдони бўлиши баробарида, хорижий тиллардан бирини билиши, машғулот жараёнларида ўқитишнинг замонавий ва илғор инновацион усулларида унумли фойдалана билиши зарур.

Биз педагоглар мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган битирувчи ёшларга кўмакдош ва фикрдош бўлишимиз зарур. Уларнинг ўй-фикрлари, қизиқишлари бизга бегона бўлмасин. Ёшлар миллатимиз, халқимиз келажаги, эртани эгаларидир. Уларнинг жамиятимизда ўз ўрниларини топиши кўп жихатдан бизнинг меҳнатимиз самарасига ҳам боғлиқдир. Уларни мустақил

фикрлай оладиган, мақсади йўлида собитқадам, ўз касбига садоқатли, меҳнатсевар ва ташаббускор қилиб тарбиялай олсак, марра албатта, бизники бўлади. Ахир излаган имкон топар, интилган муродга етар, дейди доно халқимиз!

Биз ёшларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, уларнинг келгусида чинакам келажак ворислари бўлиб етишишларига ишонамиз.

Зеро, ёшларга ўзини намоён этиши учун муҳим майдон бу унинг танлаган касби ёинки, ҳунаридир. Уларнинг бунёдкорлик салоҳияти жўш уриб, қайноқ шижоат-ла ҳаётимизни янада фаровон этиш йўлидаги эзгу интилишлари ҳамиша рўёбга чиқаверсин!